

## ЧЕГАРА ХАВҒСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИРАСИДА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7819903>

**Райимов Тўлқинжон Ғайбуллаевич**  
Ўзбекистон республикаси қуроли кучлари  
Академияси кафедра катта ўқитувчиси  
E-mail: rayimov@inbox.ru

### **Аннотация:**

Ушбу мақола турли сиёсий ва иқтисодий муносабатда бўлган қўшни давлатларнинг ўртасидаги чегараларни сақлаш ва қўриқлаш бўйича ўзаро тажрибасига бағишланган. Унда глобаллашиб бораётган ҳозирги даврда интенсивлашиб бораётган трансчегаравий оқимларни самарали тартибга солиш муаммолари ва уларни ҳал этишга қаратилган қарашлар ёритилга.

### **Калит сўзлар.**

чегара, чегара тўсиқлари, демаркация, трансчегаравий, Шенген зонас.

### **Аннотация.**

Статья посвящена взаимному опыту соседствующих государств, находящихся в различных политических и экономических отношениях, по обустройству и охране границы между ними. В ней попытались раскрыть взгляды на проблемы урегулирования трансграничных потоков, становящихся всё более интенсивными в эпоху глобализации, и их решении.

### **Ключевые слова.**

граница, пограничные заграждения, демаркация, трансграничный, Шенгенская зона.

Чегара хавфсизлигини таъминлаш ва шу билан бирга тобора интенсивлашиб бораётган трансчегаравий оқимларни самарали тартибга солиш муаммолари кўплаб давлатлар олдида турибди. Сўнгги ўн йилларда сиёсатчилар ва экспертларнинг чегара хавфсизлигининг турли жихатларига қизиқиши юқори бўлганлиги ажабланарли эмас.

Ушбу мақолада чегарадош давлатларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг фақат асосий моделларини таҳлил қиламиз, яъни “ажратиш”, қўшма чегара қўриқлаш тизимини шакллантириш ва умумий чегара ҳудудини яратиш.

Кўшни давлатнинг душманлиги ёки заифлиги, унинг иқтисодий ва сиёсий шерик сифатида аҳамияти пастлиги ва чегара хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишда кенг кўламли ҳамкорлик қилишни истамаслиги давлат чегарасини бир томонлама мустаҳкамлашга, чегарада деворлар ёки бошқа тўсиқлар ўрнатишга ундаши мумкин. Бундай чорани мутлақо самарали деб бўлмайди: бу чегара инфратузилмасини қуриш ва сақлаш учун катта харажатларни ўз ичига олади ва кўшни давлат билан муносабатларнинг ёмонлашишига олиб келади.

Дунёдаги энг кучли қўрикланадиган чегара деб Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги 248 километрлик демаркация чизиғини ҳисоблаш мумкин. Чегара зонасида ҳар икки томонда биттадан қишлоқ бўлиб, трансчегаравий алоқалар Пханмунжом Кўшма хавфсизлик зонаси орқали амалга оширилади. 1974 йилдан 1990 йилгача Шимолий Корея ҳарбийлари камида тўрт марта махсус ётқизилган ер ости тоннеллари орқали чегарани ёриб ўтишга ҳаракат қилишди, улардан бири ҳатто электр ёритгичлар ва темир йўли билан жиҳозланган эди.

Ҳозиргача икки Корея ўртасидаги чегара кўшни давлатларнинг ҳар қандай назоратсиз ўзаро таъсири учун деярли енгиб бўлмайдиган тўсиқ бўлиб қолмоқда.

1990-йилларда – 2000-йилларнинг бошларида чегара тўсиқларини қуриш учун яна бир ўзига хос сабаб – террорчилар хуружининг олдини олиш истаги бўлди. Гап, биринчи навбатда, Исроилнинг Миср давлати ва Фаластин автономияси билан ҳамда Ҳиндистон-Покистон чегаралари ҳақида бормоқда.

1980-йилларнинг охири – 1990-йилларнинг биринчи ярмида бошланган Ҳиндистон ва Исроилда чегара деворлари қурилиши жангариларнинг фаол қаршиликлари, кўшни давлатлар ва халқаро ҳамжамият норозиликлари сабабли 2000-йилларнинг биринчи ўн йиллигига қадар чўзилиб кетди. Тўсиқлар қурилишининг яқунланиши террористик ҳаракатларнинг сонини сезиларли камайишига олиб келди. Гап шундаки, Ҳиндистон ва Исроил тўсиқ тизимлари чегара бузувчиларини ҳибсга олишдан кўра йўқ қилиш учун мўлжалланган. Улар қисман электрлаштирилган ва миналаштирилган эди. Исроил чегарачиларига потенциал чегара бузувчиларига нисбатан огоҳлантиришсиз қурол қўллашга рухсат берилгани эса кўплаб, шу жумладан Исроилда иш топишга ҳаракат қилган қуролланмаган одамлар ҳаётига зомин бўлди.

Бирок, чегара деворларининг қурилиши трансчегаравий терроризм муаммосини тугатишга имкон бермади. Жангарилар қонуний равишда чегарадан киришга, чегарадош ҳудудларни реактив снарядлар билан ўққа тутишга, девор остидан тоннель казишга ҳаракат қилишди. Чегарадаги тўсиқлар террорчиларнинг имкониятларини торайтиради, лекин батамом тўхтатмади.

Чегарасида тўсиқлар барпо қилаётган аксарият мамлакатлар буни биринчи навбатда оммавий назоратсиз миграцияга қарши туриш учун қилишди. Шу мақсадда АҚШ Мексика билан чегарасида, Ҳиндистон – Бангладеш ва Бирма билан чегараларида, Испания эса Марокашнинг Сеута ва Мелилья эксклавлари билан чегарасида тўсиқлар барпо этишга қарор қилди. Ушбу ҳолатларнинг деярли барчасида фақат чегаранинг энг муаммоли қисмлари тўсилди.

Террорчиларга ёки ташқи душманга қарши қаратилган тизимлардан фарқли ўлароқ, оммавий ноқонуний миграцияга қарши қўлланиладиган чегара тўсиқлари, одатда, инсонпарварроқ: улар қоидабузарларни йўқ қилишга ёки уларга шикаст етказишга эмас, балки уларни тўхтатиб туришга қаратилган.

Бирок, ноқонуний миграцияга қарши чегара тўсиқларининг самарадорлиги нисбатан пастлиги маълум бўлди.

Инфрақизил ва сейсмик датчиклари, кузатув камераларидан фойдаланиш ҳамда ҳаводан патруллик қилиш ҳам қутилган натижаларни бермади. Расмий ҳисоб-китобларга кўра, АҚШ чегарачилари чегарани бузганларнинг умумий сонидан фақат ўндан бир қисмини ушлашга муваффақ бўлишади.

АҚШнинг Мексика чегарасини кўриқлаш тажрибаси шуни кўрсатадики, чегарани кўриқлашни кескин кучайтирилиши қутилмаган ва ноҳуш таъсир бериши мумкин. Масалан, АҚШ ҳукумати томонидан қабул қилинган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида илгари Мексикага қайтиб кетаётган вақтинчалик ноқонуний муҳожирлар АҚШда оммавий қолиб кетишни бошлади. Натижада, уларнинг сони 2,2 млн.дан 6,2 миллион кишига ошди. Ундан ташқари, ноқонуний муҳожирлар контрабандаси даромадли бизнесга айланиб, мафия гуруҳлари таъсирини кучайишига ҳисса қўшди.

Гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш учун тўсиқлар барпо этилиши ҳам кам истиқболли бўлиб кўринади. Кўп ҳолларда жинойтчилар гиёҳванд моддаларни назорат пунктлари орқали олиб киришни афзал

кўришади, чунки катта трансчегаравий оқимларда кам ҳажмли контрабандани яшириш имкониятлари уни аниқлаш имкониятларидан анча юқори. Тўсиқларни енгиб ўтиш учун наркомафия ноқонуний мигрантлардан, дронлардан фойдаланади, тоннеллар қазийди, гиёҳванд моддаларни тўсиқлар устидан ошириб ташлайди ва ҳоказо. Бундай ҳолатларда чегара тўсиқларини қуриш жуда қимматга тушиб, самарасиз бўлмоқда.

Шунга қарамасдан, чегара тўсиқларини барпо этишга таянган мамлакатлар тажрибасини бир маънода баҳолаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда бу террорчилар ва ноқонуний муҳожирлар оқимини камайтиришга имкон берган мажбурий чора эди. Бироқ, чегара бузувчилари кўпинча янги шароитларга мослашишади, бу эса бундай чоралар самарадорлигини пасайтиради.

#### АҚШ-Канада чегараси

Чегара хавфсизлиги соҳасида қўшни давлат билан ҳамкорлик ва, хусусан, чегарани қўриқлашнинг қўшма тизимини яратиш олдинги моделга нисбатан маълум афзалликларга эга. Ушбу стратегия қўшни давлат билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш ва ҳатто мустаҳкамлаш, чегара ва божхона назоратида кераксиз такрорланишнинг олдини олиш ва натижада катта маблағларни тежаш ҳамда трансчегаравий оқимларга тўсиқлар сонини камайтириш имконини беради. Бироқ, бундай вариант қўшнилар ўртасида ўзаро ишонч, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга жиддий қизиқиш, чегара сиёсатини шакллантириш жараёнида муроса қилишга тайёрлик, ушбу сиёсат стандартлари ва тамойилларининг мувофиқлиги мавжуд бўлган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин.

Қўшни давлатлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик асосида чегара хавфсизлигини таъминлашнинг энг ёрқин намунаси АҚШ-Канада чегарасини қўриқлашдир. Дунёдаги бу энг узун чегара (унинг қуруқлик қисми деярли 8900 км) ривожланган иқтисодиётга эга бўлган дўстона давлатларни ажратиб туради. АҚШ-Канада чегараси орқали трансчегаравий трафик жадаллиги кўрсаткичлари АҚШ-Мексика чегарасига қараганда камроқ, лекин улар ҳам сезиларли: 11 та чегара назорат пунктларининг ҳар бири орқали бир сонияда ўртача 1 та енгил автомобиль ва 6 сонияда – 1 та юк машинаси кесиб ўтади.

Давлат чегарасини кўриқлаш ҳам кўп сонли эмас эди: 1998 йилда АҚШ томонида у 291 чегара патрули агентлари томонидан амалга оширилган, бу вақтда эса Мексика чегарасида 7409 агент хизмат ўтаган.

Бирок, 2001 йил 11 сентябрдаги терактлардан сўнг АҚШ томонидан чегара назоратини кучайтириш бўйича кўрилган чоралар трансчегаравий алоқага жиддий зарар етказди.

Салбий тенденцияларни ўзгартириш учун Канада АҚШга “умумий хавфсизлик периметри” концепциясини таклиф қилди. Бундай шароитда томонлар трансчегаравий оқимларни биргаликда назорат қилиш тизимини шакллантира бошладилар. 2001 йил 12 декабрда Оттавада “ақлли чегара” тўғрисидаги декларация имзоланди, унда янги стратегиянинг устувор йўналишлари эълон қилинди: ишончли саёҳатчилар ва тижорат ташкилотлари учун энг мақбул давлат режимини яратиш, бундай ташкилотлар товарларининг назоратини чегара зонасидан юклаш пунктларига ўтказиш, чегарадаги тирбандликни оддини олиш учун назорат пунктларини модернизация қилиш.

NEXUS дастури “ақлли чегара” концепциясининг муҳим механизмига айланди. Бу АҚШ, Мексика ва Канада чегаралари бўйлаб хавфсиз тижорат саёҳатларини тезлаштиришнинг электрон дастур бўлиб, импортчилар ва ташувчиларни сертификатлашни, шунингдек ҳайдовчиларни рўйхатдан ўтказишни назарда тутди (рўйхатдан ўтгандан сўнг улар ажратилган йўлларда чегарани соддалаштирилган режимда кесиб ўтишлари мумкин).

“Ақлли чегара” концепциясини амалга ошириш қарама-қарши натижа берди. Баъзи тадбиркорлар фикрига кўра, қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли транспорт воситалари томонидан чегарани кесиб ўтиш осонлашди. Бирок, саёҳатчилар оқими тахминан учдан бирига камайди ва 1990-йилларда кузатилган тижорат автомобиль транспорти ташиш ҳажмининг ўсиш динамикаси барбод бўлди. Бундан ташқари, АҚШ чегарачилари эса йилига 10 минглаб чегара бузувчиларини ушлаб бошлади.

Европа Иттифоқи тажрибаси

Ҳар қандай чегара тўсиқлари трансчегаравий алоқаларга бевосита ёки билвосита тўсиқликлар яратади, чегара ва божхона назоратининг бекор қилиниши эса уларнинг ривожланишига шароит яратади. Шу билан бирга, чегара бузувчилари ва контрабандачиларнинг нисбатан “зарарсиз” тоифалари билан курашишга ҳожат қолмайди.

Бирок, чегаранинг очилиши кўпинча бир қатор қийин шартларни бажаришни талаб қилади: иқтисодий ва божхона сиёсатини, кўшни мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти уйғунлаштириш ва умумий чегара ҳудудини яратиш, ташқи чегаралар назорати муайян стандартларга келтириш (кўпинча у аввалгидан ҳам қаттиқроқ бўлади).

Европа Иттифоқи бундай моделнинг классик намунасидир. У барқарор чегараларга ва уларни ҳимоя қилишнинг ривожланган марказлаштирилган тизимига эга эмас. Шунга қарамай, деярли барча Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва номзод мамлакатларнинг чегара сиёсати умумий принциплар ва қоидаларга асосланади, уларга риоя қилиш кўп ҳолларда мажбурийдир.

Европа Иттифоқининг чегара сиёсати биринчи навбатда Шенген қоидаларига асосланади, унинг асосий ғояси – ички чегаралари назоратини бекор қилишдир. Бу ноқонуний миграция ва трансмилий жиноятчиликка қарши курашда Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан биргаликда ташқи чегаралар устидан назоратни кучайтириш орқали қопланиши керак.

Европа Иттифоқи учун умумий тузилмалар ва механизмлар ташқи чегараларни ҳимоя қилиш тизимида ва ноқонуний трансчегаравий фаолиятга қарши курашда ҳам муҳим рол ўйнайди. Улардан бири – чегарачиларга виза номзодлар, номақбул ва ҳуқуқбузар шахслар, ўғирланган маҳсулот ва бошқалар ҳақида барча зарур маълумотларни берувчи Шенген ахборот тизимидир. Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг чегара сиёсатини мувофиқлаштириш, ахборот ва тажриба алмашинувини ташкил этиш мақсадида 2004 йилда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларида тезкор ҳамкорликни бошқариш бўйича “FRONTEX” Европа агентлиги ташкил этилган. Европол сингари, “FRONTEX” ҳам ижро этувчи ҳокимият тузилмалари ваколатига эга бўлмаган мувофиқлаштирувчи органдир.

Европа Иттифоқининг ташқи чегаралари устидан умумий назорат механизмларини яратиш жараёни ҳали тугалланишдан йироқ. Бунда ЕИ аъзолари ўртасида баъзан зиддиятлар пайдо бўлмоқда: баъзи мамлакатларда жамоатчилик бундай масалаларда “кам тажрибали” давлатга ўз чегарасини ҳимоясини ишониб топшириш истикболига безовталиқ билан қарашмоқда. Бундан ташқари, кўпинча Европа Иттифоқининг “муаммоли” чегараларини кўриқлашга мажбур бўлган мамлакатлар ва бундай чегараларга эга бўлмаган

давлатлар ўртасида харажатларнинг нотекис тақсимланиши туфайли норозиликлар пайдо бўлмоқда.

Европа Иттифоқи 1990-йилларда собиқ социалистик лагерь мамлакатларидан назоратсиз миграция чегара хавфсизлиги учун асосий муаммога айланганда умумий чегара сиёсатини ишлаб чиқишга киришди.

“Темир парда” қулаганидан сўнг, собиқ ГДР ва Польша ўртасидаги чегара АҚШ-Мексика чегарасининг ўзига хос “Европа эквиваленти”га айланди – ҳам трансчегаравий алоқанинг интенсивлиги (шу жумладан ноқонуний миграция) бўйича, ҳам кўшни давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий даражанинг тенгсизлиги бўйича.

Германия ҳукумати ноқонуний трансчегаравий фаолиятнинг кучайишига қаттиқ чоралар билан жавоб берди. 1990-йилларнинг охирига келиб, Германия-Польша чегарасининг бир километрга чегара полицияси агентлари АҚШ-Мексика чегарасига қараганда 10 баравар кўп эди. Қабул қилинган чора-тадбирларнинг бешафқатлигига қарамай, Германия ҳукумати уларнинг сиёсати ва “Берлин девори”га ўхшашликни эслатмаслик учун чегара тўсиқларини барпо этишдан ўзини тийди. Бироқ, Германия ҳукумати вазиятни назорат остига ололмади: чегара полициясининг маълумотига кўра, улар 1990-йилларнинг иккинчи ярмида ўртача бешта чегара бузувчисидан биттасини қўлга олишга муваффақ бўлишган.

Шу билан бирга, АҚШдан фарқли ўлароқ, Германия бошидан Шарқий Европа кўшнилари билан яқинлашиш сиёсатини юритди. Германия уларга молиявий ёрдам кўрсатиш, мақсадли иш ўринлари яратиш ва Европа Иттифоқига аъзо бўлиш истикболига жалб қилиш орқали уларни иқтисодий ислохотларга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш стандартларини бирлаштиришга ва бу соҳаларда яқин ҳамкорликка ундади. Натижада, узок тайёргарлик босқичида ўтиб, Польша ва Чехия 2004 йилда Европа Иттифоқи тўлақонли аъзолари бўлди, 2007 йилда эса Шенген ҳудудига киришди. Германиянинг Польша ва Чехия билан чегаралари ЕИ ташқи чегаралари сифатида ўз аҳамиятини йўқотиб, шарққа, Польшанинг Россия, Украина ва Беларусия билан чегараларига кўчди. Шундай қилиб, Европа Иттифоқи 1990-йилларнинг биринчи ярмида деярли имконсиз бўлиб туюлиши мумкин бўлган нарсага муяссар бўлди: ўша пайтдаги “муаммолиги” билан АҚШ-Мексика чегарасига ўхшаш чегараларни “эритиб юборди”.

Хавфсизлик муаммоларининг кучайишига жавобан Европа Иттифоқи нафақат ташқи чегараларда чегара ва виза назоратини кучайтирди, балки

Европа Иттифоқи билан алоҳида муносабатларни талаб қилган номзод мамлакатлар ва бошқа давлатлардан (молиявий ёрдам олиш ёки визаларни либераллаштириш) чегара режимини кучайтиришни талаб қилди. Натижада, номзод мамлакатлар шарқий қўшнилари ва бошқа бир қатор давлатлар билан визасиз кесиб ўтиш тўғрисидаги икки томонлама шартномалардан воз кечишга мажбур бўлдилар. Янги аъзоларнинг паст иқтисодий салоҳияти ва ҳаддан ташқари марказлашган қарорлар қабул қилиш тизими туфайли халқаро ҳамкорлик ҳар доим ҳам самарали бўлавермади. Шунга қарамай, бу “Шенген чегараси” периметри бўйлаб дўстона қўшничилик кайфиятларининг шаклланишига, ҳуқуқ-тартибот идораларининг трансчегаравий ҳамкорлигининг чуқурлашишига ёрдам берди.

Хорижий тажрибани Ўзбекистон воқеликларига қўллаш мумкинми?

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан чегарадош ягона давлатдир. Бироқ, Ўзбекистон чегаралари орқали трансчегаравий алоқа АҚШ ёки Европа Иттифоқи чегараларига қараганда анча кам интенсив. Ўзбекистон чегараларида қўлга олинган ноқонуний муҳожира сони ҳам нисбатан кичик, бунинг устига уларнинг аксарияти Россия Федерациясидан қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси АҚШнинг Мексика билан чегарасини мустақамлашдаги тажрибасини, шу жумладан чегара тўсиқларини барпо этиш тажрибасини нусхалаши керак деб бўлмайди. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, чегара тўсиқлари гиёҳванд моддалар савдогарлари ва террорчилар учун самарали тўсиқ бўлиши даргумон. Бунинг устига, халқаро террорчилар ва экстремистик оқимларга қўшилганлар кўпчилиги Ўзбекистон ҳудудининг ўзида жойлашган, қолганлари эса яққа ҳолда давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан кириб келмоқда (Исроил ҳолатида бўлгани каби гуруҳ бўлиб эмас).

Аммо бу Ўзбекистон Давлат чегарасининг айрим қисмларини (хусусан, Афғонистон билан) қатъий кўриқлашга муҳтож эмас ёки келажакда чегара тўсиқларини барпо этишга ҳожат қолмайди дегани эмас.

Чегара ва божхона назоратининг ягона тизимини яратиш (авваламбор назорат пунктларида), биринчи навбатда, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан мумкин. Ўзбекистон Республикаси учун ушбу мамлакатлар билан тегишли хизматлар фаолияти стандартларини бирлаштириш бўйича консенсусга эришиш осонроқ. Такрорлашни йўқ



қилиш ва бошқарувни модернизация қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар чегара текширувларини сезиларли даражада тезлаштириши мумкин. Бугунги кунда транспорт воситасини текшириш учун ярим соатдан бир неча соатгача вақт керак бўлади, бу халқаро стандартларга жавоб бермайди. Агар АҚШнинг Мексика ва Канада билан чегараларида текширувлар шундай суръатда амалга оширилган бўлса, улар орқали ўтадиган трансчегаравий оқимлар, шу жумладан трансчегаравий савдо ўн баробарлаб камайиб кетарди.

Бироқ, Ўзбекистоннинг ва унинг МДХдаги энг йирик кўшнилари ўртасидаги товар айирбошлаш таркибида, АҚШ ва унинг кўшниларида фарқли ўлароқ, темир йўл орқали етказиб бериладиган хом ашё ва уларни бирламчи қайта ишлаш маҳсулотлари устунлик қилади. Шу билан бирга, кўшни давлатлар билан биргаликда чегараларни ҳимоя қилиш тизимларини яратиш уларни кесиб ўтишни иложи борича тезлаштиришга ва, эҳтимол, “ишончли” ташувчилар ва саёҳатчилар учун имтиёзли режим ўрнатишга имкон беради.

Чегара ва божхона тўсиқларини олиб ташлаш билан бирга биргаликда амалга ошириладиган ташқи чегараларни ҳимоя қилишнинг умумий тизимини яратиш янада қийин варианты бўлиб, катта сиёсий ирода ва узок ўтиш даврини талаб қилади. 1990-йилларда ушбу модель айрим МДХ давлатлари ўртасидаги муносабатларда муваффақиятли амалга оширилди.

Хулоса ўрнида айтиш маълумки бугунги кунда марказий Осиё давлатлари мисолида томонлар кўпгина маҳсулотлар бозорининг умумий нарх сиёсатини ишлаб чиқишлари керак, Қирғизистон ва Қозоғистон орқали олиб кириладиган Хитой товарлари учун божхона сиёсати, санитария-эпидемиология назоратини стандартлаштириш, чегара ва божхона хизматларида коррупцияга қарши курашишда қатъий чоралар кўриш даркор. Бундан ташқари, икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлардаги вазият ёмонлашганда “ташқи” чегараларни кўриклаш кўшма тизими йўқ қилинмаслиги кафолатлар ишлаб чиқиши лозим.

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

2. Россиянинг янги чегаралари камарида хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлик. 2002 / Л.Б.Вардомский, С.В.Голунов томонидан таҳрирланган. М.; Волгоград: халқаро алоқалар бўйича илмий-маърифий форум.

3. Буршел Ф. 1999. Германия-Полша чегарасида Германия чегара хизмати фаолиятида аҳолини жалб // кўчманчи чегаралари: халқаро семинар материаллари асосида мақолалар тўплами / О.Бредникова, В.Воронков томонидан таҳрир. Мустақил социологик тадқиқотлар маркази материаллари. 7-сон. СПб.

4. Голунов С. 2007. Наркотрафик - хавфсизлик муаммоси // "Россия стратегияси", 3-сон.